

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КОСИМОВ ХУСАНБОЙ ХАЙДАРОВИЧ

**ЯНГИ ТОШТУТГИЧ ҚУРИЛМАСИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ЯРАТИШ
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022 йил

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Косимов Хусанбой Хайдарович

Янги тоштутгич қурилмаси конструкциясини яратиш ва ишлаб
чиқаришга жорий қилиш..... 3

Косимов Хусанбой Хайдарович

Разработка и внедрение новой конструкции камнеуловителя..... 25

Kosimov Khusanboy

Development and implementation of a new design for a stone trap 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КОСИМОВ ХУСАНБОЙ ХАЙДАРОВИЧ

**ЯНГИ ТОШТУТГИЧ ҚУРИЛМАСИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ЯРАТИШ
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022 йил

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T1337 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namnti.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мурадов Рустам Мурадович
техника фанлари доктори. профессор

Расмий оппонентлар:

Саримсақов Олимжон Шарипжанович
техника фанлари доктори. профессор
Мамашарипов Абдунаби Абдумажидович
PhD, катта ўқитувчи

Етакчи тапшилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "05" февраль соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: njei.info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти 3-бино, 2-қават, илмий кенгаш хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (445-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2022 йил "22" январь куни тарқатилди.
(2022 йил "22" январдаги № 65-рақамли реестр баённомаси).



Х.Т.Ахмедходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис
принбосари, т.ф.д. профессор

Х.Т.Бобожанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д. доцент

Қ.М.Холиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тўқимачилик маҳсулотининг асосий хомашёси пахта толаси ҳисобланади. «Пахта бўйича Халқаро консултатив қўмита» (ICAC) маълумотларига қараганда сўнги йилларда жаҳон миқёсида 23,07 млн тонна пахта толаси ишлаб чиқарилди, унинг истеъмоли 24,55 млн тоннани ташкил ташкил этмоқда. Интенсив равишда ортиб бораётган аҳоли сони ҳисобига пахта толаси истеъмоли ва унга бўлган талабнинг истиқболда ҳам ортиб бориши кутилмоқда¹. Пахта толасига талабнинг ортиши ўз навбатида унинг сифати ва уни ишлаб чиқариш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб боришни талаб этади. Жаҳон пахта тозалаш соҳасида юқори самарадорликка эга бўлган пахта тозалаш машиналарини такомиллаштириш ва ресурстежамкор технологияларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳон тажрибасида пахта хомашёсига ишлов бериш жараёнини, техника ва технологиясини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, пахта хомашёсини ҳаво транспортида ташиш жараёнининг самарадорлигини ошириш, тола ва чигитнинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш ва жараёнларнинг энергия сарфини камайтириш, ускуналарининг ихчам, содда, кам материал ва энергия сарфлайдиган конструкцияларини замонавий, автоматлашган, маҳсулот сифатини бошқара оладиган технологияларини яратиш, шунингдек яратилган илғор техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш мазкур соҳани ривожлантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Республикамизда пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш асосида ички ва ташқи бозорда пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда сифат кўрсаткичларини яхшилаш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодийда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган². Ушбу вазифани бажаришда, жумладан, пахтани ишлаб чиқариш жараёнига ташиш ва ҳаводан пахтани ажратишнинг самарали технологиясини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September 1, 2017

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

нинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги 5-сон «Саноатда ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий-тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Пахта тозалаш корхоналарида пахта ташишда тоштутгич қурилмасининг иш унумини ошириш, технологик кўрсаткичларини муқобиллаш, конструкцияларини янгиларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш бўйича дунёда Д.Л.Кельберт ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Мамалакатимизда пахта хомашёсини дастлабки ишлаш технологик жараёнидаги пахтани ташишни назарий-фундаментал, амалий масалалари ва методологик асосларини яратиш бўйича тадқиқотлар Б.Левкович, К.М.Қобулжонов, М.Т.Хасанов, Р.Г.Махкамов, Т.Д.Махаметов, Б.М.Мардонов, П.Байдюк, Х.Ахметходжаев, А.Гуляев, Н.Камалов, Р.Мурадов, А.Бурханов, О.Саримсақов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Пахта таркибидан оғир аралашмаларни ажратиб олиш жараёнини такомиллаштириш муаммоси жуда муҳимлигига қарамасдан, ҳозирги пайтгача етарлича самарадорликка эга бўлган пахта таркибидан бегона жисмларни тутувчи ускуналар ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Илмий иш давлат илмий-техник дастури доирасида Наманган муҳандислик-технология институтида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар режаси билан ўзаро узвий боғланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион Ривожланиш Вазирлиги амалий тадқиқотлар давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахта хомашёси таркибидаги оғир аралашмаларни ажратиб олиш самарадорлигини ошириш, тола ва чигит шикастланишини олдини олиш, чўнтакдаги оғир аралашмаларни узлуксиз равишда чиқиб кетишини таъминлаш учун тоштутгич қурилмасини янги конструкциясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта хомашёси таркибидаги майда ва оғир аралашмаларни тўла ушлаб қоладиган янги конструкциясини яратиш;

тоштутгич ишчи камерасида пахта ва оғир аралашмалар ҳаракатини назарий йўл билан ўрганиш;

пневмотранспорт ёрдамида тоштутгич қурилмасига тўп-тўп ҳолда келган пахта хомашёсини тўлиқ титиб бериш, тола ҳамда чигитнинг табиий сифатини сақлаб қолиш;

тоштутгичнинг ишчи камерасида тутиб қолинган оғир аралашмаларни ташқарига узлуксиз равишда чиқариб юборадиган мослама ишлаб чиқиш ва унинг узлуксиз ишлай оладиган ўлчамларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта тозалаш корхоналарида пахта хомашёсини ҳаво қувурларида ташиш жараёнида қўлланиладиган бегона жисмлардан ажратиб олувчи тоштутгич қурилмаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Пневмотранспортда ҳаракатланаётган пахта хомашёси, майда ва оғир аралашмалар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида замонавий ўлчов асбобларидан, назарий механика, тебранишлар назарияси, математик статистика, эҳтимоллар назарияси, олий математика ва тажрибаларни режалаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тоштутгич қурилмаси такомиллаштирилиб эластик қопламали парракли барабан ўрнатилиши ҳисобига пахта хомашёси таркибидан бегона жисмларни ажратиб олишга, тола ҳамда чигитнинг табиий хусусиятларини сақлаб қолишга эришилган;

тоштутгич ишчи камерасида пахта хомашёси таркибидаги бегона жисмларни тўла ажратиш жараёнида эластик қопламали парракли барабан ва тўрли юзани тола ва чигитга таъсир қиладиган яъни зарб кучлари ва аэродинамик кучларни ҳисобга олиб математик модели олинган;

тоштутгич қурилмасининг кириш қузури қаршисидаги тўрли юзанинг эластик асосга ўрнатилиши ҳисобига зарб кучини камайтиришга, тола ва чигитнинг шикастланишини олдини олишга эришилган;

тоштутгич қурилмасининг ишчи камерасидан пахта хомашёси таркибидаги оғир аралашмаларнинг ташқарига узлуксиз равишда чиқиб кетишини таъминловчи мослама яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пахта хомашёси таркибидаги майда ва оғир аралашмаларни самарали тутиб қоладиган тоштутгич қурилмасининг янги конструкцияси ишлаб чиқилган.

тоштутгич ишчи камерасида пахта хомашё таркибидан тутиб қолинган оғир аралашмаларни ташқарига узлуксиз равишда чиқариб юборадиган мослама яратилган.

таклиф қилинган тоштутгични ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш орқали ишчи камерага тўп-тўп бўлиб келган пахта хомашёси титилиб майда

ва оғир аралашмалар тўлиқ ҳолда ажралишига ёрдам бериши, чигит шикастланишини камайтириш мақсадида эластик қопламали парракли барабан ва эластик асосга ўрнатилган тўрли юза ёрдамида титилган пахта таркибидаги майда ифлосликлар маълум миқдорда ажралиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларни ишончилиги назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларининг мутаносиблиги, тавсия этилган тоштутгичнинг ишлаб чиқариш синовлари ва мавжуд тоштутгичлар кўрсаткичларига солиштириш натижалари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти пахта таркибидан оғир ва майда аралашмаларни ажратиб олиш учун жараёнидаги жадаллик ва бунинг учун тоштутгич қурилмасини конструкторлик ўлчамларини аниқлашни ҳамда чигитни шикастланишини камайтириш усулларини, тоштутгич ишчи камерасида пахта ва оғир аралашмаларни ҳаракат қонуниятини илмий асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотни амалий аҳамияти такомиллаштирилган тоштутгич тўп-тўп бўлиб ишчи камерага кириб келган пахта титилиб оғир аралашмаларни тўлиқ ажратиш, чигит шикастланишини камайтириш мақсадида кириш ва чиқиш қувурлари ўқларининг кесишиш жойига эластик қопламали парракли барабан ҳамда титилган пахта таркибидаги майда ифлосликларни ажратиб олиш мақсадида кириш қувири қаршисида эластик асосга ўрнатилган тўрли юза жойлашгани, янги конструкциядаги тоштутгичнинг юқори иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тавсия этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта ҳаво ёрдамида ташиш жараёнидаги тоштутгич қурилмасини конструкциясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган натижалар асосида:

тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган янги тоштутгич қурилмаси “Учқўрғон текстил” МЧЖга қарашли “Уйчи пахта тозалаш” корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 03/12-251-сон маълумотномаси). Натижада чигитни шикастланиши 3.6 % дан 3.1 % гача камайишига, майда ифлосликлардан 3,6%дан 3.3 % гача тозаланишига ва тола билан чигитнинг табиий хусусиятларини 0,23% га сақлашга эришилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 6 та халқаро ва 4 та Республика конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 та Республика ва 1 та хорижий журналларда илмий мақолалар нашр этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига фойдали моделга патент олиш

учун 1 та талабнома топширилган ҳамда 1 та ЭХМ дастурий таъминот учун патент (№ DGU 12002) олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Тоштутгич қурилмасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича аналитик таҳлил ўтказилган ва тадқиқот йўналишлари асосланган.

Мавзу бўйича кўриб чиқилган тадқиқотларнинг таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келади: пахта тозалаш корхоналарига ва пахта тайёрлов масканларига келтирилган пахтанинг таркибида оғир аралашмалар ва бегона қаттиқ жисмлар (тош, кум, кесак, металл парчаси, ва бошқа жисмлар) кўп учрайди. Ушбу бегона оғир аралашмалар пахтани сақлаш билан бир қаторда қайта ишлаш жараёнида кўпгина салбий муаммоларни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқариш жараёнига узатилаётган пахта таркибидаги оғир аралашмаларни кейинги технологик жараёнга ўтиб кетиши натижасида тозалаш машиналарининг ишчи органларига урилиши натижасида ёнғин чиқиш хавфи ёки жин ва линтер арраларининг шикастланишига олиб келади. Натижада арраларнинг ишлаш муддати камайиб, корхонанинг иқтисодий қисмига салбий зарар етказилади. Ҳозиргача амалга оширилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики пахтадан оғир аралашмаларни ажратиш олиш жараёнини такомиллаштириш муаммоси жуда муҳимлигига қарамасдан, ҳозирги пайтгача етарлича самарадорликка эга бўлган ускуналар яратилмаган. Шунинг учун пахтани қайта ишлаш технологик занжирига оғир аралашмаларни тутиб қолувчи паст самарадорликка эга бўлган бир неча қурилмалар қўйилган бўлиб, ишлаб чиқариш унумдорлиги ҳамда ташиш жараёнининг таъсир радиусини камайтирмоқда ва пахтанинг сифат даражасини пасайишига олиб келмоқда

Пахта хомашёси таркибидаги оғир аралашмаларни ажратиш олиш самарадорлигини ошириш, тола ва чигит шикастланишини олдини олиш, чўнтакдаги оғир аралашмаларни узлуксиз равишда чиқиб кетишини таъминлаш, тоштутгич қурилмаси ишчи органларини янги конструкциясини ишлаб чиқиш таклифи берилди.

Диссертациянинг “Тоштутгич қурилмаси самарадорлигини ошириш йўллари

Тоштутгич қурилмасининг ишчи камерасида пахта ҳаракатининг қуйидаги схема бўйича кўриб чиқамиз (1-расм).



1-кириш қувири; 2-ишчи камера; 3-тўрли юза; 4- парракли барабан; 5- тош тўплагич.

1-расм. Тоштутгич ишчи камерасида пахта ҳаракатининг ҳисоб схемаси

Тадқиқотларда бошланғич ҳол сифатида пахтанинг кириш қувирида турган ҳолатни қабул қиламиз. Координата ўқлари парракли валик марказида жойлашган.

Д’Аламбер принципига асосан пахтанинг мувозанат тенгламасини ёзамиз:

$$\begin{cases} m_n \frac{dV_x}{dt} = F_a \\ m_n \frac{dV_y}{dt} = -m_n g \end{cases} \quad (1)$$

Бу ерда: m_n - пахта массаси; V -тезлик; t -вақт, сек; g -эркин тушиш тезланиши, m/c^2

$F_a = k(V_x - V_n)$ -аэродинамик куч, Н; k -аэродинамик қаршилик коэффиценти; V_x - ҳаво тезлиги m/c ; V_n - пахта тезлиги m/c .

Пахтанинг кучини тенгламаси:

$$\begin{cases} V_x = \frac{dx_n}{dt} = \frac{k}{m_n} t(V_x - V_n) + V_0 \cos \alpha \\ V_y = \frac{dy_n}{dt} = -gt + V_0 \sin \alpha \end{cases} \quad (2)$$

Бундан:

$$\begin{cases} dx_n = \frac{k}{m_n} t(V_x - V_n)dt + V_0 \cos\alpha dt \\ dy_n = -gtdt + V_0 \sin\alpha dt \end{cases} \quad (3)$$

Интеграллаймиз:

$$\begin{cases} x_n - x_0 = \frac{k}{m_n} (V_0 - V_n) \frac{t^2}{2} - V_0 \cos\alpha t \\ y_n - y_0 = -g \frac{t^2}{2} + V_0 \sin\alpha t \end{cases} \quad (4)$$

Бундан:


$$\begin{cases} x_n = \frac{k}{m_n} (V_0 - V_n) \frac{t^2}{2} - V_0 \cos\alpha t + x_0 \\ y_n = -g \frac{t^2}{2} + V_0 \sin\alpha t + y_0 \end{cases} \quad (5)$$

$t = t_A$ бўлганда; $x_n = r_\delta \cos\varphi$, $y_n = r_\delta \sin\varphi$

Ҳаво ва пахтанинг тоштутгич камерасига кириб келишдаги тезлиги, мос равишда 25-30 м/с ва 15-20 м/с ни ташкил этади. Пахтанинг ишчи камерага кириб келишдаги координаталари $x_c = 0,7$ м ва $y_c = 0,3$ м атропоида бўлади. Бунга кўра, пахта ишчи камерасига ўрнатилган титувчи валикка урилгунча 0,5 м атропоида масофа босиб ўтади холос. Бунинг учун пахта $t_A = \frac{0,5}{15+20} = 0,02 - 0,03$ сек вақт сарфлайди. Бу жуда қисқа вақт ва бу вақт оралиғида пахтанинг тезлиги деярли ўзгармайди.

Пахта титувчи валикка урилганда, куч импульси валикка таъсир кўрсатади (2-расм). Таъсир эластик бўлгани учун пахтанинг валикка нисбатан тезлиги нолга тенг бўлади: $V_c = 0$; Бунга кўра, пахтага таъсир қилувчи импульс кучи:

$$P_n = -m \frac{V_0}{t} \quad (6)$$



2-расм. Пахтанинг тоштутгич ишчи камерасида титувчи валик билан таъсирлашуви схемаси.

Акс таъсир қонунига кўра, пахта томонидан кўрсатиладиган импульс кучи;

$$P_x = m \frac{V_0}{t} \quad (7)$$

Бу кучнинг титувчи валик радиуси бўйлаб таъсир қилувчи ташкил этувчиси пахтани валикка сиқади, яъни деформациялайди. Унинг валик айланасига уринма бўйича таъсир қилувчи ташкил этувчиси валикни айлантиришга ҳаракат қилади. Бу куч қуйидагича аниқланади:

$$P_{yp} = P \sin(\alpha + \varphi) \quad (8)$$

Валикни айланишига мажбур қилувчи момент:

$$M_{\delta} = P_{yp} r_{\delta} = P_{yp} \sin(\alpha + \varphi) r_{\delta} \quad (9)$$


Валикнинг айланишига қаршилик кўрсатувчи ишқаланиш кучи ҳосил қиладиган қаршилик моменти:

$$m_{\kappa} = m_{\text{в}} g f r \quad (10)$$

Бу ерда: $m_{\text{в}}$ -валик массаси, кг; f -валик подшипнигининг ишқаланиш коэффициентини;

Пахта бўлакчаси ва оғир аралашма билан биргаликда 2-компонентига системани ташкил этади. Ишчи камерада бу системани тўрли юзагача ораликдаги ҳаракатини қуйидагича математик моделаштирилади. Ишчи камерада, пахта бўлакчаси ва оғир аралашма билан биргаликдаги умумлашган массасини қуйидагича олағиз:

$$M = m_{10} + m_{20} H(\bar{x}) = m_{10} (1 + n * H(\bar{x})) \quad (11)$$



3-расм. Пахта бўлакчаси ва оғир аралашмага ҳаво оқимини таъсир кўрсатувчи аэродинамик кучлар схемаси.

Ҳавони аэродинамик ҳаракатлантирувчи кучи:

$$R_{x_1} = c_x F_{ver} \frac{\rho(V_{gor} - \dot{x}_1)^2}{2}; R_{y_1} = c_y F_{gor} \frac{\rho(V_{ver} - \dot{y}_1)^2}{2}; \quad (12)$$

Пахтали чигитни ҳаво оқимиға қаршилик қилувчи эластиклик кучи:

$$F_{x_2} = k_x \eta(\bar{x}_1) * x_1 \quad (13)$$


Бу ерда: k_x -пахтани эластиклик коэффициенти, $\bar{x}_1 = 1 - \frac{x_1}{x_0}$ - Хевисайда функциясини аргументи.

Оғир аралашмаларни кўндаланг кесим юзаси $S_0 = \pi * r^2$, r - (0.003-0.007м) оғир аралашмаларни кўндаланг кесим радиуси. ρ - ҳаво зичлиги (1.2кг/м³) (3-Расм).

Пахта ва оғир аралашмали механик системани ҳаракати математик модели юкоридаги нозичқли 2-тартибли дифференциал тенгламалар системаси орқали ифодаланар экан.

Бу дифференциал тенгламалар системаси нозичқли бўлганлиги сабабли сонли усулда MAPLE-9.5 дастури асосида ечилган.

Ушбу дастур асосида, пахта оғир аралашмали механик системани ҳаракатини тегишли графиклари олинган (4- расм)



4-расм. Пахта бўлакчасини оғир аралашмаларни биргаликда вертикал йўналишидаги ҳаракатини абсциса ўқидаги координаталарға боғлиқ ўзгариши қонуни.

Пахта бўлакчасини массаси: а) $m_{10} = 0.002kg$, б) $m_{10} = 0.010kg$ ва қўшимча оғир аралашмаларни массалари: 1- қўшимча оғир аралашмаларни m_{20} -массаси. 1-0.0005kg; 2- 0.001kg; 3-0.002kg; 4-0.003kg;

Ньютонни II-қонуниға асосан, пахта бўлаги ва қўшимча тошчаларни, қайтарувчи эгри чизикли тўрли пластинкадан ажралгандаги ҳаракати дифференциал тенгламалар системаси қуйидагича ёзилади.

$$\begin{cases} m_1 \dot{V}_x + kV_x + k_x(U_{x0} - V_x)^2 = 0 \\ m_1 \dot{V}_y + kV_y - k_y(U_{y0} - V_y)^2 = m_1 g \\ m_{1t} \dot{V}_{xt} + k_{xt}(U_{x0} - V_{xt})^2 = 0 \\ m_{1t} \dot{V}_{yt} - k_{yt}(U_{y0} - V_{yt})^2 = -m_{1t} g \end{cases} \quad (14)$$


Бу ерда: m_1, m_{1t} - мос тарзда пахта бўлаги ва тошча массаси, k - пахта бўлагини эластиклик коэффиценти, k_x, k_y - мос тарзда пахта бўлагига горизонтал ва вертикал йўналишда таъсир этувчи ҳавонинг аэродинамик қаршилик коэффиценти, k_{xt}, k_{yt} - мос тарзда тошчага горизонтал ва вертикал йўналишда таъсир этувчи ҳавонинг аэродинамик қаршилик коэффиценти.

(14)-Дифференциал тенгламалар системасининг бошланғич шартлари:

$$V_x(0) = U_{x0}; V_y(0) = U_{y0}; V_{xt}(0) = U_{xt0}; V_{yt}(0) = U_{yt0}; \quad (15)$$

Пахта бўлагини қайтарувчи эгри чизиқли тўрли пластинкадан ажралгандан кейинги ҳаракати дифференциал тенгламалар системаси нозизиқли бўлгани учун, сонли усулда MAPLE-17 дастурида ечилади.

(14)-Дифференциал тенгламалар системасининг бошланғич шартларидаги олинган натижалари (5-расм) да келтирилган. Графиклардан кўриниб турибдики, тоштутгич камерасига кириб келган пахта ва тошчалар зарбадан кейин, пахта бўлакчалари юқорига ва тошчалар эса пастга чўнтак томон ҳаракатини давом эттирар экан. Маълумки, оғир аралашмалар ишчи камерани тўрли юзасига етиб бормасдан чўнтакка тушиб кетади. Майда аралашмалар эса ишчи камерани тўрли юзасига етиб бориб урилади. Урилишдан сўнг қайтиб пастга чўнтак томон ҳаракатда бўлади.




5-расм. Цилиндрик тоштутгич камерасига кириб келган пахта ва тошчаларни зарбадан кейинги ҳаракат қонунлари.

Тўрли эгри пластинкани қайтириш коэффиценти ёки пластинкани материални эластиклик хусусияти зарбаланиш жарёнига катта таъсир этар экан.

Тўрли эгри пластинкани тезликни қайтириш коэффициенти -n ни кичик қийматида зарбаланиш жарёни юмшоқ бўлса, аксинча катта қийматларда кескин рўй берар экан (1-4 ва 5-8 графиклар, 5-Расм).

Графикларда зарба кучининг қабул қилувчи ва юмшатувчи тўрли эгри пластинкани тезликни қайтириш коэффициенти $n=0.5; 0.6; 0.7; 1$; 1-4 графиклар пахта бўлагига, 5-8 графиклар эса тошчага тегишли.

Диссертациянинг “**Тоштутгичнинг экспериментал конструкциясини ишлаб чиқиш**” деб номланган учинчи бобида янги таклиф этилаётган тоштутгич қурилмасининг вазифаси пахта тозалаш корхоналарида хомашёга дастлабки ишлов бериш технологик жараёнида пневмотранспортда тўп-тўп бўлиб ҳаракатланаётган пахта хомашёси таркибидан оғир ва майда аралашмаларни самарали ажратиш, зарба кучини камайтириб чигит шикастланишини олдини олиш ва оғир аралашмалар билан чўнтакга тушган пахта бўлакчаларини ажратиб олишдан иборат.



1-кириш қувури; 2-ишчи камера; 3-эластик қопламали тўрли юза; 4- тўрли юза; 5-6- чўнтак; 7-пластинка; 8-чиқиш қувури.

6-расм. Пахта хомашёси таркибидаги майда ифлосликлар ва оғир аралашмаларни тозаловчи тоштутгич қурилмаси

Пахта тозалаш корхоналарида қўлланиб келинаётган тоштутгичлардан фарқли тоштутгичнинг кириш ва чиқиш қувурлари ўқларининг кесишиш

жойига эластик қопламали парракли барабан ҳамда титилган пахта таркибидаги майда ифлосликларни ажратиш олиш ва чигитнинг табиий ҳолатини сақлаш мақсадида кириш қузури қаршисида эластик асосга тўрли юза ўрнатилган.

Натижада тўп-тўп бўлиб ишчи камерага кириб келган пахта титилиб оғир ва майда аралашмаларни тўлиқ ажратиш ва ўз навбатида тола ҳамда чигитнинг табиий хусусиятларини сақлаб қолади (6-расм). Чўнтакга тушган оғир аралашмалар эса узлуксиз равишда ташқарига чиқиб кетади.

Тадқиқотларимиз давомида Уйчи пахта тозалаш корхонасининг технологик жараёнини кузатиб, тоштутгичда тутиб қолинмаган майда оғир жисмларнинг тоштутгич қурилмасига бориб тушиши ҳамда пахта билан биргаликда бегона жисмлар тоштутгич деворига бориб урилиши, натижада конструкция девори емирилиб, ҳатто дарча очилиб қолганлигига ҳамда тола ва чигитни шикастланганлигига гувоҳи бўлдик.

Шундан келиб чиқиб, тоштутгичнинг ишчи камерасига эластик қопламали парракли барабан ва тўрли юза ўрнатиш таклиф этилди.


1-жадвал

**Янги такомиллаштирилган ва мавжуд тоштутгич қурилмасида
олинган тажрибаларни солиштирма натижалари**

№	Оғир аралашмалар ва уларнинг ўлчамлари	Оғир аралашмалар сони (дона)	Ўртача вазни (гр)	Тутиб қолинган аралашмалар сони (дона)			Тутиб қолиш самарадорлиги (%)			Ўртача самарадорлик
				1	2	3	1	2	3	
1	5-10 мм	10	5	6/4	8/3	7/4	60/40	80/30	70/40	70/37
2	15-20 мм	10	8	7/4	7/5	7/4	70/40	70/50	70/40	70/44
3	25-30 мм	10	10	9/5	10/6	9/5	90/50	100/60	90/50	93/54
4	35-40 мм	10	15	8/5	9/5	8/7	80/50	90/50	80/70	84/57
5	45-50 мм	10	20	9/7	8/7	9/6	90/70	80/70	90/60	87/67
6	55-65 мм	10	30	10/8	10/7	10/8	100/80	100/70	100/80	100/77
7	70-80 мм	10	50	10/8	10/9	9/9	100/80	100/90	90/90	97/87
жами										86/61

Изоҳ: Сурада янги конструкциядаги тоштутгич қурилмасида тутиб қолинган оғир аралашмаларни самарадорлиги, махражда корхонадаги мавжуд конструкциядаги тоштутгичнинг самарадорлиги.

Вақт (секунд)	Куч (ньютон)
0,1	1,09
0,6	1,04
1,1	1,05
1,6	1,06
2,1	1,51
2,6	1,21
3,1	1,19
3,6	1,23



8-расм. Янги таклиф этилаётган тоштутгичда зарба кучини аниқлашда ўтказилган тажриба натижалари.

“Учқўрғон текстил” МЧЖ га қарашли “Уйчи пахта тозалаш корхонаси”да ўтказилган тажрибаларда мавжуд ҳамда янги такомиллашган тоштутгич қурилмасининг кириш қузури қаршисидаги деворига пахта хомашёсини маълум вақт бирлиги (секунд) ичида зарбланиш кучини ARDIUNO маркали зарба кучини ўлчовчи прибор ёрдамида аниқланди (7- 8-расм).

Тоштутгичнинг кириш қузури қаршисида ишчи камеранинг деворига пахтанинг келиб урилиши натижасида зарба олиб, чигит шикастланади.



8-расм. ARDIUNO маркали зарба кучини ўлчовчи прибор

Мана шу зарба кучини камайтириш мақсадида майда ифлосликларни тозаловчи тўрли юза эластик асосга ўрнатилди ва юзанинг зарба қабул қиладиган қисмига резина қопланди.

Тоштутгич бўйича ўтказилган назарий ва амалий тадқиқот ишлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда дастлабки бир омили экспериментда чикувчи параметрларга таъсир этувчи кирувчи омиллар сифатида қуйидагилар танлаб олинди:

X_1 - кирувчи қувур оғиш бурчаги, град;
 X_2 -парракли барабан ташқи диаметри, мм;
 X_3 -парракли барабан парраklar сони, дона

2-жадвал


Кирувчи омиллар ўзгариш сатхлари ва оралиқларини танлаш

Параметр	Ўлчов бирлиги	Ўзгариш чегаралари		
		Қуйи -1	Ўрта 0	Юқори +1
кирувчи қувур оғиш бурчаги, град	X_1	15	30	45
парракли барабан диаметри, мм	X_2	150	225	300
парраklar сони, дона	X_3	3	6	9

Назарий тадқиқотлар натижасида янги тоштутгични яратиш имконияти асосланди. Бу қурилмада бегона жисмларни ажратиш учун аэродинамик кучларни бошқариш учун эластик қопламали парракли барабан ўрнатилди. Бунда бегона жисмларни ажратиш осон ва қулайлиги билан шунингдек, эластик қоплама қопланганлиги боис, пахта хомашёсига шикаст етказмасдан самарали равишда ажратиш имкониятига эгаллиги билан бошқа конструкциялардан ажралиб туради.

Стюдент ва Фишер критейлари бўйича регрессия коэффициентларини аҳамиятлиликка ва регрессия тенгламасини адетватлиликка текширилди. Аҳамиятсиз коэффициентлар ташлаб юборилгандан кейин регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$Y_1 = 90,72 - 2,71 X_1 + 3,56 X_2 + 2,43 X_3 + 3,24 X_1 X_2$$



9-расм. Тоштутгичнинг иш унумдорлигига параметрларнинг таъсири

Тенгламани кирувчи параметрларнинг ҳар хил қийматларида текширамыз:

Бунда X_1 - кирувчи қувур оғиш бурчаги.

Қуйи чегараси $\alpha = 0^0$; юқори чегараси $\alpha = 60^0$ қабул қилинди.

Паррақлар сони X_3 ўзгаришсиз қолдирилди.

Валик диаметри x_3 .

Қуйи чегараси $X_3=d=120\text{mm}$

Юқори чегараси $X_3=d=350\text{mm}$

Тадқиқотлар натижасида қуйидаги графикни ҳосил қиламиз:

Тенгламани кирувчи параметрларнинг ҳар-хил қийматларида текшираемиз:

Бунда X_1 - кирувчи қувур оғиш бурчаги.

Қуйи чегараси $\alpha = 0^0$; юқори чегараси $\alpha = 60^0$ қабул қилинди.

Паррақлар сони X_3 ўзгаришсиз қолдирилди.

Валик диаметри x_3 .

Қуйи чегараси $X_3=d=120\text{mm}$

Юқори чегараси $X_3=d=350\text{mm}$


Тадқиқотлар натижасида қуйидаги графикни ҳосил қиламиз:

Олинган натижаларга кўра кирувчи параметрларнинг ўзгариш чегаралари тўғри танлангани, тозалаш қурилмасининг самарадорлиги қабул қилинган чегара ичида ўзгариши ҳақида хулоса қилиш мумкин (9-расм).

Регрессия тенгламаси кирувчи параметрларнинг белгиланган қийматларида Maple-2020 дастурида қайта ишлайди ва таҳлил қилинди.


Диссертациянинг “**Янги тоштутгич қурилмасини ишлаб чиқаришда синаш ва унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш**” деб номланган тўртинчи бобида тоштутгич қурилмасини такомиллаштириш бўйича таклиф берилди.

Тажриба ўтказиш учун Андижон-35 селекцион нави, 1 сорт 1 синф бўлган пахта хомашёси олинди. Тажриба ўтказишдан аввал ва кейин ПТК нинг асосий лаборатория хонасида кўрсаткичларни текшириб олдик. Янги тоштутгичнинг майда ва оғир аралашмалардан тозалаш самарадорлигини ҳамда чигитни шикастланиш даражасини аниқлаш учун олдиндан мавжуд бўлган усул бўйича янги конструкциядаги тоштутгичдан ва корхонадаги мавжуд тоштутгичдан намуна олиш йўли билан аниқланади (10-расм).



10-расм. Такومиллашган тоштугичда фракциялар бўйича оғир аралашмалардан тозалаш самарадорлигини графиги


Пневмотранспорт ишга туширилганда қувурлардаги ҳаво сўриб олиниши натижасида, система ичида паст босимли вакуум ҳосил бўлади ва вентилятор томонга ҳаракатланувчи ҳаво ва унга эргашувчи материал оқими юзага келади. Пахта хомашёси ҳаво оқими билан бирга ҳаракатланиб, кириш қузури (1) орқали ишчи камераси (2) га киради, тоштутгичга эркин ҳолда ўрнатилган эластик қопламали парракли барабан (3) ҳаво оқими ёрдамида ўз инерцияси билан айланиб, тўп-тўп бўлиб келган пахта хомашёсини титиб беради. Шу билан бирга барабаннинг эластикли қоплама қопланиши чигит шикастланишини камайтиришга ҳам имкон беради. Титилган пахта хомашёси ҳаво оқими ёрдамида эластик асосга ўрнатилган тўрли юза (4) га урилиб, таркибидаги майда аралашмалар (5) чўнтакга тушади, пахта хомашёси эса чиқиш қузури (8) томон йўналади, таркибидаги оғир аралашмалар эса ўз оғирлиги таъсирида пластинкалар (6) бирин кетин очилиб чўнтак (7) орқали узлуксиз равишда ташқарига чиқиб кетади (11-расм).



1-кириш қузури; 2-ишчи камера; 3-эластик қопламали парракли барабан; 4-5-чўнтак; 6-чиқиш қузури.

11-расм. Такмиллашган янги конструкциядаги тоштутгич қурилмаси


Тоштутгич қурилмаси ишчи камерасига пахта хомашёси тўп-тўп ҳолда келади. Шу сабаб тоштутгичнинг ишчи камерасида тўп-тўп бўлиб келган пахта хомашёсини титишга имконияти борлигини инобатга олиб тоштутгич кириш қузури ҳамда чиқиш қузури кесишган жойига эластик қопламали парракли барабан ўрнатилди (12-расм). Мана шу эластик қопламали парракли барабан ёрдамида пахта хомашёси титилиб таркибидан оғир аралашмаларни ушлаб қолиш самарадорлигини ўрганиш мақсадида тажрибалар ўтказилди.



1-эластик қопламали вал; 2-резина паррак; 3-подшипник; 4-парракни валга маҳкамловчи мослама

12-расм. Тоштутгич қурилмасининг кириш қувири қаршисига ўрнатилган эластик қопламали парракли барабан

Вентилятор ишлаши билан қувурдаги ҳаво сўриб олиниши натижасида, пахта хомашёси ҳаво оқими билан бирга ҳаракатланиб, тоштутгич кириш қувири орқали ишчи камерага кириб, эластик қопламали парракли барабанда титилиб эластик асосга ўрнатилган тўрли юза (1) га бориб урилади ва таркибидаги майда ифлосликлар инерция таъсирида тўрли юзадан ўтиб, чўнтак (2) ни ичига тўпланиб боради. Тўрли юза (1) эластик асосга ўрнатилганлиги сабабли пахта тўрли юзага урилганда зарба кучи катта бўлмайди. Бу эса чигит шикастланишини олдини олади. Кичик камерада тўпланган майда ифлосликлар маълум бир даврда тўлганидан сўнг, ишчи ёрдами билан қопқоқ (3) орқали ташқарига чиқариб юборилади.



1-Тўрли юза; 2-чўнтак; 3-қопқоқ


13-расм. Тоштутгич қурилмасининг эластик асосга ўрнатилган тўрли юзаси

Майда ифлосликлардан халос бўлган пахта хомашёси шикастланишини олдини олиш учун тўрли юзаси бўйлаб сирпаниб чиқиш қувури томон тўғри йўналтирилиб, пахта хомашёси хеч қандай шикастланишсиз кейинги технологик жараёнларга сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда етказиб берилади(13-расм).

Оғир аралашмаларни (тошлар ва метал парчаларни) ишчи камерадан ташқарига узлуксиз тарзда чиқариш учун мўлжалланган чўнтак мосламаси яратилди.

Мосламани конструкцияси жуда содда, тайёрлаш учун мураккаб машинасозлик жараёнлари талаб қилинмайди. Таъмирлашни енгиллаштириш учун кўп қисмлар осон алмаштириладиган қилиб тайёрланган ва стандарт материаллардан фойдаланилган. Қурилманинг ҳаракатланувчи қисмлари жуда кўп марта ўзгарувчан юкланиш таъсирида ишлашга мослаб тайёрланган (14-расм). Пастки клапаннинг пасанги юки, юқори клапаннинг бир неча циклигига мосланади.

Бункердаги бегона жисмларнинг оғирлиги пасанги оғирлигидан ортиб кетгач, клапан пасанги юкини енгиб ўтиб пастга қараб йўналади ва бегона жисмлар бутунлай тизимдан ташқарига чиқиб кетади. Пастки клапан иш бажариши даврида юқори клапан ёпиқ тургани учун тизим герметиклиги бузилмайди. Бегона жисмлар тўла тўкилиб бўлганидан сўнг клапанни қайтариш пасанги юки клапанни ўз жойига қайтаради ва цикл тугалланган ҳисобланади.



1-шибер; 2-шарнирли механизм; 3-пружина; 4-йўналтиргич

14-расм. Оғир аралашмаларни узлуксиз равишда чиқариб юборадиган чўнтак моламаси.

Янги конструкциядаги тоштутгич қурилмаси ишлаб чиқариш шароитида синаш мақсадида “Учқўрғон текистил” МЧЖ га қарашли “Уйчи пахта тозалаш” корхонасида тажрибалар ўтказилди. Солиштирма тажрибалар Андижон-35 селекцион навида 1 сорт саноат навида 1синфида 8,6% намликда, ифлослик даражаси 3,6 % бўлган пахта билан ўтказилди.

Натижада майда ифлос аралашмалар миқдори 3,6% дан 3,3 % га, чигит шикастланиши 3,6% дан 3,1 % га камайган.

Олинган ижобий натижалар янги тоштутгич қурилмасида зарба кучларининг камайганлиги натижасида чигит шикастланиши, пахтани қўшимча тозалаш имконияти яратилганлиги ва чўнтакдаги оғир аралашмалар узлуксиз равишда ташқарига чиқиб кетишини натижаси ҳисобланади.

Таклиф этилган тоштутгич қурилмаси жорий этишдан олиндиган иқтисодий самаранинг ҳисоби пахта тозалаш саноатида янги технологияни жорий қилишдан иқтисодий самарани аниқлаш услубияти бўйича ҳисобланди. Тоштутгич қурилмасини жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлиги 138930,6 минг сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

Пахта тозалаш корхоналарида пахта хомашёси таркибидан майда+оғир аралашмаларни ажратиш жараёнининг самарадорлигини ошириш, тола ва чигитнинг шикастланишини камайтириш ҳамда чўнтакдан оғир аралашмаларни узлуксиз равишда чиқариб юбориш мақсадида тоштутгич қурилмасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Республика ва хорижий мамлакатлар илмий тадқиқотчилари томонидан тоштутгич ва унинг асосий элементларини такомиллаштириш мақсадида ўтказилган тадқиқотлар таҳлили мавжуд тоштутгичларнинг бир қатор камчиликларни аниқлаш ва тоштутгичда майда ва оғир аралашмалардан самарали тозалаш ва тола ва чигитга кўрсатиладиган зарба кучларини камайтириш бўйича тадқиқот олиб бориш зарурлигини кўрсатди.

2. Тоштутгич қурилмасининг ишчи камерасида пахтанинг ҳаракатини назарий йўл билан ўрганиш натижасида олинган дифференциал тенглама пахта бўлакчасининг ҳаракат траекториясини аниқлаш имконини берди.

3. Пахта бўлакчасини титиш мақсадида тоштутгич ишчи камерасига ўрнатилган барабан сиртидаги ҳаракати натижасида пахтани майда ва оғир аралашмалардан тозалаш самарадорлигини оширишга эришилди.

4. Тоштутгичнинг кириш қувури қаршисига ўрнатилган тўрли юзада пахта бўлакчасининг ҳаракатини ўрганиш натижасида пахта майда ифлосликлардан қўшимча тозалаш имконини мавжудлиги аниқланди.

5. Назарий ва амалий тадқиқот натижалари асосида тоштутгичнинг кириш қувури қаршисига ўрнатилган тўрли юзага бориб урилишда ҳосил бўладиган зарба кучи аниқланди ва камайтириш йўли ишлаб чиқилди.

6. Тоштутгич чўнтагида тўпланган оғир аралашмаларни узлуксиз равишда ташқарига чиқариб юборишни таъминлайдиган мослама яратилди.

7. Тадқиқот натижалари асосида пахтани таркибидан майда ва оғир аралашмаларни тозалаш имконини берадиган қурилма конструкцияси ишлаб чиқилди ва рационал параметрлари аниқланди

8. Назарий ва амалий тадқиқотлар асосида пахта ва майда оғир жисмлар тоштутгич қурилмаси ишчи камераси деворига бориб урилиши ва металл сиртни шикастлаши асослаб берилди ва урилиш зонаси, зарба кучи аниқланди ҳамда шу зонага майда аралашмаларни тутиб қолувчи чўнтак жойлаштиришга асосланган техникавий ечим ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО - ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

КОСИМОВ ХУСАНБОЙ ХАЙДАРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА И ВНЕДРЕНИЕ НОВОЙ КОНСТРУКЦИИ
КАМНЕУЛОВИТЕЛЯ**

05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган–2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.3.PhD/Т1337.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен в веб-сайте Наманганского инженерно-технологического института (www.nammti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Мурадов Рустам Мурадович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Саримсаков Олимжон Шарипжанович
доктор технических наук, профессор

Мамашарипов Абдунаби Абдумаджидови
PhD, старший преподаватель АндМИ

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «05» февраля 2022 г. 11⁰⁰ часов на заседании научного совета (PhD).03/30.12.2019.т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г.Наманган, ул. Касансайская – 7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 3-й корпус, 2-й этаж, зал научного совета тел. (+99869) 225-10-07, факс (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (диссертация зарегистрирована за № 445) Адрес:160115, г.Наманган, ул.Касансайская - 7, тел. (+99869) 225-10-07). e-mail: niei_info@edu.uz

Автореферат диссертации разослан «22» января 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 65 от «22» января 2022 года).



Х.Т.Ахмедходжаев
заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Х.Т.Бобожонов
ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

К.М.Холиков
Председатель научного семинара при научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор.

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Хлопковое волокно во всём мире является основным сырьем для текстильной продукции.. По данным Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC), за последние годы во всем мире было произведено 23,07 миллиона тонн хлопкового волокна, а его потребление составляет 24,55 миллиона тонн. В связи с быстрым ростом населения, ожидается, что в будущем потребление хлопкового волокна и спрос на него увеличатся¹. Растущий спрос на хлопковое волокно, в свою очередь, требует постоянного повышения его качества и эффективности производства. В мировой хлопкоочистительной промышленности особое внимание уделяется совершенствованию высокоэффективных хлопкоочистительных машин и созданию ресурсосберегающих технологий.

В мировом опыте большое значение уделяется развитию техники и технологии процесса переработки хлопка-сырца. В частности, повышение эффективности воздушной транспортировки хлопка-сырца, сохранение первоначального качества волокна и семян, снижение энергозатрат в производственных процессах, создание простых, компактных, мало материальных и энергосберегающих современных автоматизированных технологий управления качеством продукции, а также повышение качества и снижение себестоимости продукции за счет ускоренного внедрения передовой техники и технологий в производство являются ключевыми факторами развития этой отрасли.

На основе модернизации хлопкоочистительной промышленности в республике особое внимание уделяется увеличению выработки хлопковых изделий на внутреннем и внешнем рынках, а также обеспечение их конкурентоспособности за счёт улучшения качественных показателей. В Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставится задача, в частности «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...снижение энергозатрат и ресурсов в экономике, широкое внедрение энергосберегающих технологий в производство»². Создание эффективной технологии транспортировки хлопка в производственный процесс и отделения хлопка от воздуха является одним из важных вопросов при выполнении этой задачи.

Диссертационная работа способствует реализации целей изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан за № ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы », Постановление №-ПП 2692 от 22 декабря 2016 года «О дополнительных мерах по ускоренному обновлению физически изношенного и морально устаревшего оборудования, а также

1 International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September 1, 2017

2 Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы <https://lex.uz/docs/3107036>

сокращению производственных затрат предприятий отраслей промышленности», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 8 января 2014 года за № 5 « О дополнительных мерах по сокращению производственных затрат и снижению себестоимости продукции в промышленности», а также реализация задач, предусмотренных другими нормативными актами, относящиеся к этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники в Республике. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и техники республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение, транспорт, машина и приборостроение».

Степень изученности проблемы. Над повышением производительности камнеуловителей при транспортировке хлопка на хлопкоочистительных заводах, оптимизацией технологических параметров, разработкой новых конструкций и усовершенствованием существующих занимались многие ученые мира, такие как Д.Л. Кельберт и другие.

Исследования по созданию теоретико - фундаментальных, практических и методических основ транспортировки хлопка в технологическом процессе первичной переработки хлопка-сырца в нашей стране проводили ученые Б. Левкович, К. М. Кобулжанов, М. Т. Хасанов, Р. Г. Махкамов, Т. Д. Махаметов Б.М.Мардонов, П.Байдюк, Х.Т.Ахметходжаев, А.Гуляев, Н.Камалов, Р.М. Мурадов, А.Бурханов, О.Саримсаков и другие.

Несмотря на то, что проблема усовершенствования процесса отделения тяжелых примесей от хлопка очень важна, на сегодняшний день проведено недостаточно исследований по производству достаточно высоко эффективных оборудования для очистки хлопка от инородных тел.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательской деятельности вуза, в котором выполнена диссертация.

